

Мирзаева Н.Ж.

**БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИНИ
ЁЗИШ ВА ҲИМОЯ ҚИЛИШ БЎЙИЧА**

ЎҚУВ-УСЛУБИЙ КЎРСАТМА

Гулистон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ
ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

5120300 - “Тарих (мамлакатлар ва минтақалар бўйича)”
йўналиши талабалари учун

**БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИНИ
ЎЗИШ ВА ҲИМОЯ ҚИЛИШ БЎЙИЧА**

ЎҚУВ-УСЛУБИЙ КЎРСАТМА

Мирзаева Н.Ж. Битирув малакавий ишларни тайёрлаш ва ҳимоя қилишга оид ўқув – услубий кўрсатма. – Гулистон, 2015. – 32 б.

Ўқув-услубий кўрсатма Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўртамахсус таълим вазирлигининг 2010 йил, 9 июнь 225-сонли буйруғи билан тасдиқланган “Олий таълим муассасаларида бакалаврларнинг битирув малакавий ишини бажаришга қўйиладиган талабларни тасдиқлаш тўғрисида”ги ҳамда бакалаврият таълим йўналиши бўйича бакалаврнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган талаблар асосида ишлаб чиқилган бўлиб, унда битирув малакавий ишларни тайёрлаш ва ҳимояга қилишга оид масалалар ёритилган.

Ушбу ўқув-услубий кўрсатма бакалаврият таълим йўналишида битирув малакавий ишини бажараётган талабаларга, уларга раҳбарлик қилаётган университет профессор-ўқитувчилар ва мутахассисларга мўлжалланган.

Ўқув-услубий кўрсатма Гулистон давлат университети Ўқув-методик кенгаши томонидан (24.12.2015йил. № 3-сонли йиғилиши баённомаси) нашрга тавсия этилган.

Мухаррир: Қодирова Л. – ГулДУ ўқитувчиси

Такризчи:

Аюпов О.А. – ГулДУ доценти

КИРИШ

Маълумки, илмий фаолият билан шуғулланувчиларнинг асосий вазифаси – илмий тадқиқотга тегишли барча тушунчалар тизимини тўла тушуниб етиш, тадқиқот ишларини тўғри ташкил этиш, маълум бир мавзунинг мазмун ва моҳиятини бошқаларга аниқ ва равшан етказиб бериш каби вазифаларни ўз ичига олади. Битирув малакавий ишлар ҳам худди шундай тадқиқот ишларининг турларидан биридир.

Маълум бир соҳада ечимини кутаётган муаммо ва масалалар илмий тадқиқотлар мавзуини белгилайдиган ягона омил бўлиб хизмат қилади. Тарих фанлари соҳасида амалга ошириладиган илмий тадқиқот ишлари, жумладан битирув малакавий ишларини ёзишда ҳам маълум қоидаларга риоя этиш лозим. Битирувчи талабалар битирув малакавий иш мавзусини ёритишда илмий тадқиқот принциплари, ишнинг илмий-ахборот аппарати ва уни расмийлаштириш қоидалари билан яхши таниш бўлишлари керак.

Мазкур услубий кўрсатмада тарих фанлари соҳасига тааллуқли битирув- малакавий ишлар тузилиши, адабиётлар таҳлили, ишнинг илмий-ахборот аппаратини ва ишни расмийлаштириш тартиблари келтирилган.

Услубий кўрсатма битирув малакавий ишларга қўйиладиган талаблар асосида ишлаб чиқилган. Кўрсатмада битирув-малакавий ишларни расмийлаштиришга доир бир неча намуналар берилган. Услубий кўрсатмани тайёрлашда “Олий таълим муассасаларида бакалаврларнинг битирув малакавий ишини бажаришга қўйиладиган талаблар” (ОЎМТВ нинг 9.06.2010 й. 225-сонли буйруғи), “Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасалари битирувчиларининг якуний давлат аттестацияси тўғрисидаги Низом” (Адлия вазирлигида 5 июнь, 2009 йил, 1963-сон қарори), Х.Қ.Қаршибоевнинг “Битирув малакавий ишларни бажариш ва ҳимоя қилишга доир услубий кўрсатмалар”идан, шунингдек Интернет сайтларида жойлаштирилган маълумотлардан фойдаланилди.

1. Тарих таълим соҳасида битирув малакавий ишини бажаришнинг мақсад ва вазифалари

Битирув малакавий ишни бажариш олий таълим муассасаси бакалавриатида талабаларни ўқитишнинг якуний босқичидир. Битирув малакавий ишни бажаришдан мақсад:

- тарих таълими бўйича назарий ва амалий билимларни мустаҳкамлаш ва кенгайтириш, олинган билимларни муайян илмий, ишлаб чиқариш, ижтимоий, сиёсий ва маданий вазифаларни ҳал этишда қўллаш;
- ижодий ишлаш, ҳал этилаётган масаланинг (муаммонинг) қўйилиш жараёнидан бошлаб, уни тўла ниҳоясига етказиш бўйича қарор қабул қилишда бўлган масъулиятни ҳис этишга ўргатиш;
- тарих фанлари соҳасида замонавий илмий тадқиқот усуллари ва тамойиллари асосида талабаларни мустақил ишлашга тайёргарлигини таъминлашдан иборат.

Тарих фанлари соҳаси бўйича ёзиладиган битирув малакавий ишнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

- талабанинг тарих фанлари соҳасида олган билимларини чуқурлаштириш, уларни тартибга солиш, мустаҳкамлаш ва манбалар таҳлили, илмий хулосалар чиқариш бўйича билим даражасини янада кенгайтириш;
- университетда ўқиш жараёнида олинган назарий билимларни амалиётга қўллашга кўникма ҳосил қилиш;
- тарих илми ва таълими соҳасида ечимини кутаётган илмий муаммоларнинг ўзига хос хусусиятларини тушуна билиш ва уларнинг тўғри ечимини аниқлашга ўргатиш;
- тарих фанлари соҳаси бўйича илмий тадқиқот ишларини олиб бориш услубларини чуқурроқ ўзлаштириш;
- тарих таълими соҳаси тизимини ислоҳ қилиниши шароитларида мустақил ишлашга ўрганиш.

2. Битирув малакавий ишларининг мавзуси

Битирув малакавий ишлар мавзуси муаммонинг замонавий ҳолатини ва ишлаб чиқариш, ижтимоий соҳалар, фан, таълим ва маданиятнинг истиқболий ривожланишини акс эттириши керак.

Битирув малакавий ишлар мавзуси мутахассис чиқарувчи кафедра томонидан белгиланади ва олий таълим муассасаси ёки факультетнинг Илмий кенгаши томонидан тасдиқланади ҳамда ҳар ўқув йили бошида қайта кўриб чиқилади.

Битирув малакавий ишлар мавзусининг йиллик рўйхати битирув амалиёти бошланишига қадар ёки битирув курсининг бошида эълон қилинади.

Талабаларга (рейтинглари бўйича камайиш тартибида) битирув малакавий ишларнинг мавзуларини танлаш ҳуқуқи берилади. Талаба

ёки талабанинг ўқиши учун тўлов-контракт маблағини тўлаётган буюртмачи зарурий асослар билан битирув малакавий ишлар мавзуси бўйича ўз вариантларини таклиф этишлари мумкин.

Битирув малакавий иш мавзуси ва раҳбарни талабага бириктириш кафедранинг такдимномаси бўйича ректорнинг буйруғи билан расмийлаштирилади.

Иш раҳбари, битирув малакавий ишнинг мавзусига мувофиқ талабага битирув малакавий ишга тегишли материалларни тўплаш бўйича (жумладан, малакавий амалиёт ўтказиш даврида ҳам) топшириқ беради. Топшириқнинг шакли олий таълим муассасанинг ўқув бўлими томонидан белгиланади(2-илова). Топшириқ битирув малакавий иш билан биргаликда Давлат аттестация комиссиясига такдим этилади.

Талабалар битирув малакавий ишларининг мавзулари билан мутахассислик фанларини ўқиётган даврларида, яъни 2-3-курсларда танишиб чиқишлари ҳамда ўзларини қизиқтирган масала ва муаммоларга кўра мавзу танлашлари мумкин. Бунда талаба олдинги ишларни бажаришдаги тажрибаларини, ўз илмий салоҳиятларини ва шахсий имкониятларини ҳисобга олиб, мустақил равишда битирув малакавий иши учун мавзу танлайди ва режа тузади. Танланган мавзу тарих фанлари муаммолари бўйича бажарилган илмий тадқиқот ҳамда курс ишларининг давомийлигини таъминлаши керак.

Талаба битирув малакавий иши юзасидан мавзунини мустақил равишда танлаб бўлгач, уни бажаришга рухсат беришни сўраб, кафедра мудири номига ариза (1-илова) ёзади. Аризада битирув малакавий ишининг мавзуси аниқ кўрсатилади ва тадқиқот амалга ошириладиган, ҳамда амалий материаллар тўпланадиган корхонанинг номи ҳам аниқ ифодаланади.

3. Битирув малакавий ишни бажаришга раҳбарлик қилиш

Битирув малакавий ишларга раҳбарлар ушбу олий таълим муассасасининг профессор ва доцентлари ёки илмий ходимлари, бошқа муассаса ва корхоналарнинг юқори малакали мутахассислари сафидан тайинланади.

Битирув малакавий иш раҳбари:

- топшириқ беради;
- битирув малакавий ишнинг бажарилиш жадвалини режалаштиради;
- асосий адабиётлар, маълумот ва архив материалларини ҳамда мавзу бўйича бошқа манбаларни тавсия этади;

- талабалар билан мунтазам равишда консултациялар ўтказди;
- битирув малакавий ишнинг бажарилиш жараёнини назорат этади;
- талаба бажарган битирув малакавий ишнинг сифати ва муаллифлигига жавоб беради, мавзуларнинг қайтарилишига ёки бошқа манбалардан айнан кўчирилишига йўл қўймайди.

Битирув малакавий иш раҳбарининг таклифига биноан, кафедра битирув малакавий ишга раҳбарлик қилишга ажратилган вақт бюджети ҳисобидан ишнинг айрим бўлимлари бўйича консултантларни таклиф этиши мумкин.

Битирув малакавий ишнинг бўлимлари бўйича консултант (маслаҳатчи)лар этиб, олий таълим муассасасининг профессорлари ва доцентлари, илмий ходимлари ҳамда бошқа муассаса ва корхоналарнинг юқори малакали мутахассислари тайинланиши мумкин. Консултантлар талаба бажарган ишнинг мувофиқ қисмини текширади, тегишли кўрсатмалар беради.

Мутахассис чиқарувчи кафедра битирув малакавий ишга қўйилган талаблар ҳажмини белгилаган ҳолда битирув малакавий ишни бажариш бўйича услубий қўлланмаларни ишлаб чиқади ва улар билан талабаларни таъминлайди.

Битирув малакавий иш берилган топшириқ асосида шахсан талаба томонидан бажарилади.

Битирув малакавий ишнинг ҳар бир бўлими мувофиқ асослар, қарорлар, ва ҳулосалар билан ёритилади. Битирув малакавий ишда, илгари бажарилган мустақил ишларнинг натижалари ёки бошқа муаллифларнинг (илмий маърузалар ва мақолалари, ҳисоб-графика ишлари, курс ишлари ва лойиҳалари, албатта, номлари кўрсатилган ҳолда) ишлари, таҳилий-қиёсий маълумотлар сифатида акс эттирилиши ёки улардан фойдаланиш мумкин.

Битирув малакавий ишларнинг таркибига битирув малакавий ишнинг мавзуси, мақсади ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда электрон шаклдаги тақдимот материаллари киритилади.

Битирув малакавий ишининг мазмунини ёритиш камида 10-15 минг сўз ҳажмида белгиланади. Электрон тарзда тайёрланган иш 1,5 интервалда, 14 кегел катталиқда 50-65 бетни ташкил этади. Битирув малакавий ишида саҳифада ўнгдан 3 см, чапдан 1.5 см, юқоридан 2см, пастдан 2.5 см жой қолдирилиб ёзилади. Ишнинг умумий ҳажмига асосий қисм, адабиётлар рўйхати ва иловалар киритилади. Иловаларга саҳифа рақами қўйилмайди.

Кафедранинг тавсиясига биноан битирув малакавий иш чет тилларининг бирида(инглиз, немис, француз ва б.) бажарилиши мумкин. Чет тилда бажарилган ишга давлат тилидаги аннотация илова этилади ва ҳимоя вақтида таржима таъминланади.

4. Битирув малакавий ишнинг бажарилиши

Тарих фанлари соҳасидаги Битирув малакавий ишлар олий таълим муассасасининг ушбу мақсадда махсус ажратилган хоналарида бажарилади. Айрим ҳолларда, битирув малакавий иш бошқа таълим муассасалари, илмий муассасалар, кутубхоналар, архив ва музейларда бажарилиши мумкин.

Битирув малакавий ишнинг бажарилиши бўйича талабанинг ҳисобот бериш муддатларини деканат назорат этади. Деканат белгилаган муддатларда, талаба битирув малакавий ишининг бажарилиш ҳолати ҳақида раҳбар ва кафедра мудирини олдида ҳисобот беради. Кафедра мудирини битирув малакавий ишнинг тайёрлик даражасини белгилайди. Шу мақсадда кафедрада ҳар бир битирувчи кесимида битирув малакавий ишларнинг бажарилиш мониторингини ташкил этилиб, унинг бажарилиш ҳолатини раҳбарнинг ҳафталик ҳисоботлари асосида фоизларда аниқлаб борилади.

Талаба - иш муаллифи, танланган қарорнинг тўғрилигига ва унинг топшириққа мувофиқлигига, битирув малакавий ишда кўчирмачилик ҳолатини(плагиат)ни йўқлигига жавоб беради. Битирув малакавий ишларни бажариш босқичларида белгиланган муддатлардан кечикиш ҳоллари аниқланганда уларни бартараф этиш бўйича тегишли чоралар кафедра мудирини томонидан белгиланади.

5. Тарих фанлари соҳасидаги битирув малакавий ишлар мазмунига қўйиладиган талаблар

“Тарих” таълими йўналиши битирувчиларининг 4 йиллик таҳсил давомида олган назарий ва амалий билимларини мустаҳкамлаш, кенгайтириш, олган билим ва малака кўникмаларини муайян илмий, педагогик ва ижтимоий вазифаларни ҳал қилишда қўллашга эришиш битирув малакавий ишларнинг мақсад ва вазифаларини ташкил этади.

Тарих фанлари бўйича битирув малакавий ишнинг мазмуни унинг мавзусидан келиб чиқиб белгиланади. Битирув малакавий иши 3 қисмдан иборат бўлади, яъни кириш, асосий қисм ҳамда хулоса ва

таклифлар. Битирув малакавий иши режаси илмий раҳбар билан биргаликда тузилиб, кафедра мудири томонидан тасдиқланади.

Ишнинг кириш қисмида:

- танланган мавзунинг долзарблиги асослаб берилади;
- битирув-малакавий ишнинг ўрганилиши даражаси (тарихшунослиги) таҳлил этилади;
- битирув-малакавий ишнинг мақсади ва вазифалари аниқ белгилаб олинади;
- ишнинг назарий-методологик асослари аниқ кўрсатилади;
- битирув малакавий иш мавзусини ёритишда фойдаланилган тадқиқот усуллари (тарихийлик, илмийлик, холислик, қиёсий таҳлил ва б.);
- ишнинг илмий янгилиги ва амалий аҳамияти асослаб берилади.
- шунингдек, ишнинг тузилиши ва ҳажмига умумий тавсиф берилади.

Битирув малакавий ишининг асосий қисми боблар ва уларга тегишли бўлган параграфлардан иборат бўлади. Боблар ва параграфларнинг миқдори танланган мавзу мазмунидан келиб чиқиб, 2- 3 бобдан иборат бўлиши керак (4-илова).

Битирув малакавий ишининг асосий қисмида мавзунинг назарий жиҳатлари ўрганилган илмий ҳамда ўқув адабиётларидан олинган маълумотлар ва билимлар орқали шахсий фикрлар билан баён этилади.

Битирув малакавий ишининг асосий қисмида ўрганилаётган мавзунинг назарий асослари очиқ берилади, тарих фанлари ва таълимини ривожлантириш, шунингдек такомиллаштиришга оид вазифалар, танланган мавзунинг умумназарий масалалари кўриб чиқилади. Ишнинг асосий қисми ўрганилган мавзудаги назарий, ташкилий ва амалий ишларни такомиллаштириш йўллари ёритилиши билан тугалланади.

Хулоса қисмида мавзу юзасидан кўрилган масала ва муаммоларни бартараф қилиш бўйича берилган таклифлар ва тавсияларга қисқача яқун ясаиб, ўрганилган мавзу йўналишига мувофиқ ҳолда таҳлил ва аниқ таклифлар акс эттирилади.

6. Битирув малакавий ишининг бажарилишини ташкил этиш

Битирув малакавий ишининг бажарилиш муддати ўқув режасига асосан белгиланади. Битирув малакавий ишини ёзишдан аввал малакавий амалиёт ўтказилиб, ушбу даврда амалиёт базаси

ҳисобланувчи таълим муассасаларида тарих ўқитиш жараёнлари, тарих илми соҳасидаги муаммолар ўрганилиб, битирув малакавий ишини бажариш учун керакли материаллар тўпланади.

Битирув малакавий ишининг илмий раҳбари талаба билан биргаликда битирув малакавий иши юзасидан топшириқларни ва уларни бажариш бўйича тақвимий жадвалини ишлаб чиқади ва уни ўз имзолари билан тасдиқлайдилар. Битирув малакавий ишини бажариш юзасидан тузилган мазкур топшириқ кафедра мудирининг томонидан тасдиқланиб, кафедра мажлисининг томонидан муҳокама қилинади ҳамда ушбу масала бўйича тегишли қарор қабул қилинади.

Илмий раҳбар билан битирув малакавий ишини бажарувчи талабанинг учрашуви ҳар hafta кафедрада ёки раҳбарнинг талабани амалиёт ўтаётган жойига борганида (камида бир ойда 1 марта) амалга оширилади. Битирув-малакавий ишлар жорий ўқув йилининг март ва апрель ойларида тегишли кафедрада дастлабки ҳимоядан ўтказилади, бажарилган иш юзасидан билдирилган таклиф ва мулоҳазалар асосида иш тўлдирилади. Шундан сўнг битирув-малакавий иш ҳимоя учун тавсия этилади.

Битирув малакавий ишини бажарётган талаба илмий раҳбар ва кафедра мудирининг тасдиқлаган топшириқ ва уни бажариш бўйича тузилган тақвимий жадвалга қатъий риоя этиши керак.

7. Адабиётларни ўрганиш, маълумотларни тўплаш, хулоса ва таклифларни асослаш

Талаба танланган битирув малакавий иши мавзусига мувофиқ равишда тегишли адабиётларни, расмий ва меъёрий ҳужжатларни ҳамда амалий материалларни ўрганади. Адабиётларни ўрганиш орқали талаба тадқиқотнинг назарий асосларини аниқлаб олади, яъни мавзуга дахлдор бўлган асосий тушунчаларга, ўрганилаётган жараёнларнинг юзага келганлиги, шунингдек уларнинг ривожланиш қонуниятларини ва илмий атамалар тизимини билиб олишга эришади. Тарихий манбаларни ва ўрганилаётган мавзуга тегишли масалаларнинг ҳозирги аҳволини чуқур ўрганиш натижасида битирув малакавий ишини ёзиш юзасидан керакли ҳажмда маълумотларга эга бўлинади, бу ўз навбатида олдинга қўйилган ишни сифатли амалга оширилиши учун зарур омиллардан бири бўлиб хизмат қилади.

Талаба битирув малакавий ишини бажаришда Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорлари, Ўзбекистон Республикаси

Конституциясида фан ва таълим соҳасида ислоҳатларни амалга ошириш бўйича берилган асосий кўрсатмалар ҳақидаги билимларга эга бўлади.

Битирув малакавий ишини сифатли ҳамда ҳар томонлама чуқур ўрганилган ҳолда ёзилишида тарихий манбалар (архив ҳужжатлари, қўлёзмалар, даврий матбуот материаллари, статистик маълумотлар), сўнгги йилларда олиб борилган илмий тадқиқотлар натижаларидаги мавзуга дахлдор материалларга эътибор қаратиш, уларни ўрганиш ҳамда таҳлил этиш катта аҳамият касб этади.

Битирув малакавий ишининг мавзуси юзасидан материалларни тўплаш мақсадида тарихий манбалар ўрганилаётганда, уларни ўрганиш натижасида олинган маълумотлар, вужудга келган фикр-мулоҳазалар ҳамда хулосалар хомаки тарзда ёзиб борилиши лозим. Бунинг натижасида уларни тузилган режага асосан тартибга солиш ва умумлаштириш ишларини осонлаштирилади.

8. Битирув малакавий ишини расмийлаштириш

Битирув малакавий ишини белгиланган талаблар даражасида расмийлаштирилиши маълум бир маънода тўпланган материалларнинг аниқ ва ҳаққонийлигига ҳам боғлиқ бўлади. Битирув малакавий ишини ёзишда қуйидагиларга эътиборни қаратмоқ ва уларга риоя этмоқ керак бўлади:

- маълумотлар аниқ, ҳаққоний бўлиши ва тартибли баён этилиши;
- маълумотлар баёни мантиқий изчил, жумла тузилишлари тушунарли, қисқа ва аниқ бўлиши;
- хулосалар исботланган ва таклифлар асосланган ҳолда акс эттирилиши;
- маълумотларни баён этишда мавҳумлик ва қайтарилишларга йўл қўймаслик;
- умумий нутқда қўлланилмайдиган сўзлар, атамалар ва ибораларни қўлламаслик.

Битирув малакавий ишининг муқоваси 3-иловада кўрсатилган шаклда расмийлаштирилади.

Мундарижада(4”а”-илова) битирув малакавий ишининг таркибий қисмлари, яъни кириш, боблар ва уларнинг номланиши, параграфлар ва уларнинг номланиши, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда улар баён этилган бетларнинг рақамлари акс эттирилиши лозим. “Кириш”, “Хулоса” бўлимлариданг ташқари барча боблар рим рақамлари билан рақамланади. Бобларнинг тартиб

рақамидан сўнг нукта (.) қўйилади. Бобларга тегишли параграфлар эса, мос равишдаги боб рақамидан келиб чиққан ҳолда араб сонлари билан рақамланади. Аниқроқ қилиб айтганда, параграф тартиб рақами бир-биридан нукта билан ажралиб турувчи бобнинг тартиб рақами ҳамда параграф тартиб рақамидан иборат бўлади, яъни “1.3.” - бу биринчи боб учинчи параграфнинг тартиб рақамидир (4-илова).

Битирув малакавий ишларининг бетлари кетма-кетликка амал қилинган ҳолда рақамланади. Рақам бетнинг пастки ёки устки томонининг ўртасига араб рақами билан қўйилади. Муқова, мундарижага тартиб рақамлари қўйилмайди. “Кириш” бўлимининг биринчи бети “3” сони билан рақамланади ва шу кетма-кетликка амал қилиб тартиб рақами қўйила бошланади. Шунингдек, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ёзилган бетлар ҳам умумий рақамланишга қўшилади. Битирув малакавий ишида хариталар, расмлар, жадваллар, диаграммалардан фойдаланилган бўлса, улар акс эттирилган бетлар тартиб рақамлари кетма-кетлигига қўшилмайди ва илова шаклида расмийлаштирилади(4”а”-илова).

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати акс эттирилганда, қатъий равишда муаллифлар исми-шарифининг бош ҳарфини алфавит тартиби бўйича жойлаштиришига амал қилиниши лозим. Бунда қуйидагиларга ҳам эътибор қаратмоқ керак, яъни агар битирув малакавий ишида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорларидан, ҳамда тегишли расмий ҳужжатлардан фойдаланилган бўлса, уларнинг рўйхати мос равишдаги юқоридаги кетма-кетликда акс эттирилиши лозим. Сўнгра, фойдаланилган адабиётлар рўйхати юқорида таъкидланганидек, алфавит тартибига амал қилинган тарзда ёзилади. Битирув малакавий ишини бажаришда фойдаланилган журналлар ва рўзномалар рўйхати эса, тақвимий кетма-кетликка амал қилинган ҳолда кўрсатилади. (6”а”-илова).

Иловалар битирув малакавий ишининг охирига тикилади, улар кетма-кет араб рақами билан рақамланади. Илованинг юқорисининг ўнг томонига “Илова” сўзи унинг тартиб рақами билан биргаликда ёзиб қўйилиши керак. Масалан, “1-илова”. Битирув малакавий ишини бажаришда қўлланилган иллюстрациялар (чизмалар, диаграммалар, хариталар ва бошқалар) расмлар деб номланади ва улар араб рақами билан кетма-кет рақамланади. (7, 7 “а”-илловалар).

Ишнинг матнида келтирилган маълумотларнинг манбалари тартиб рақамига кўра фойдаланилган адабиётлар рўйхатида акс эттирилади. Битирув малакавий ишда кўчирма ва ҳаволалар саҳифа ости ва матн орти шаклида расмийлаштирилиши мумкин. Кўчирма ва ҳаволалар саҳифа ости кўринишида расмийлаштирилганда ҳар бир саҳифада уларга алоҳида тартиб рақамлари қўйилади. Агар кўчирма ва ҳаволалар матн орти шаклида расмийлаштирилса, у ҳолда улар фойдаланиш тартиби бўйича рақамланади, кўчирма ва ҳаволаларни бундай тартибда расмийлаштириш битирув малакавий иши электрон шаклда эмас, балки қўлёзма шаклида тайёрланганда тавсия этилади.

Битирув малакавий иши ёзиб тугатилгач, қайта ўқиб чиқилиши ва бунда қуйидагиларга аҳамият қаратмоқ лозим, яъни:

- унинг қисмларини ўзаро боғланиши ҳамда баён этилиш усули (адабий тили)га;
- хатоликлар ва қайтарилишларга йўл қўйилмаганлигига;
- кўчирмалар, ҳаволалар, схема ва диаграммалар дастлабки манбалардан тўғри ёзилганлигига.

Қайта ўқиб чиқиш натижасида қўлёзмани тўлдириш ва маромига етказиш зарурияти аниқланса, дарҳол бу амалга оширилиши лозим.

Битирув малакавий ишини ёзиш жараёнида талаба томонидан ишлаб чиқилган таклифларни амалиётда қўлланилиши талаба томонидан эътиборга олинмоғи керак. Мазкур таклифлар педагогик амалиёт давомида қўлланилган ёки келгусида қўллаш учун тавсия этилиши мумкин.

9. Битирув малакавий ишига тақриз ёзиш

Белгиланган талаблар даражасида ёзилган битирув малакавий иши тенишли шахслар томонидан имзолангач, кафедрада дастлабки ҳимоядан ўтади ва Якуний давлат аттестация комиссияси олдида ҳимоя этиш учун рухсат берилади ҳамда бу кафедра мудирининг имзоси билан тасдиқланади.

Битирув малакавий ишига илмий раҳбар хулоса ва амалиёт ўтаган жойида раҳбарлик қилган маъсул шахслар тақриз ёзадилар(5, 5”а”-иловалар).

Битирув малакавий иши юзасидан ёзилган тақризда ишнинг илмий даражаси, унинг таркибий қисмларини қай даражада баён этилганлиги, келтирилган таклифларни асосланганлик даражаси

баҳоланади, шунингдек йўл қўйилган камчиликлар кўрсатилади ва талабанинг маҳорати баҳоланади .

10. Битирув малакавий ишни ҳимоя қилиш

Олий ва ўрта-маҳсус таълим вазирининг 9-июн 2010 йил 225-сонли буйруғига кўра белгиланган тартибда расмийлаштирилган битирув малакавий иши (компьютерда бажарилган ҳолда унинг электрон варианты билан бирга) талаба томонидан раҳбарга такдим этилади.

Ҳимояга тавсия этиладиган битирув малакавий ишлари қуйидаги ҳужжатлар билан биргаликда топширилади:

1. Битирув малакавий ишига топшириқ.
2. Раҳбарнинг хулосаси.
3. Ташқи тақриз (малакавий амалиёт ўтилган жойдан ёки бошқа субъектдан).
4. Ичига мавзу бўйича битирувчи томонидан тайёрланган такдимотнинг электрон нусхаси(дискда) солинган конверт. Конверт битирув-малакавий ишнинг охириги бетига елимланади.

Раҳбар, битирув-малакавий иш талаб даражасида бажарилганлигига ишонч билдиргандан сўнг, ишни ўз хулосаси билан бирга кафедра мудирига такдим этади.

Хулоса ва тақризда талабанинг мавзунинг долзарблигини асослай олиши, мавзуни ёритиш жараёнида қўллаган илмий-тадқиқот усуллари, манбалар билан ишлаш кўникмаси, илмий таҳлил қила олиши, битирув малакавий ишининг амалий аҳамиятига баҳо берилади, шунингдек, ишнинг ижобий томонлари тавсифланади. Кафедра мудир, такдим этилган материаллар асосида, битирув малакавий ишни талаба томонидан Якуний давлат аттестация комиссиясида ҳимоя қилишга киритиш ҳақида қарор қабул қилади.

Агар, кафедра мудир талабанинг битирув малакавий ишини ҳимояга киритиш мумкин эмас деб ҳисобласа, масала кафедра мажлисида, раҳбар иштирокида муҳокама этилади. Кафедра мажлисининг баённомаси факультет декани томонидан тасдиқ учун ректорга такдим этилади.

Ҳимояга киритилган битирув малакавий иш тақризга юборилади.

Тақризчилар таркиби битирувчиларга иш берувчи соҳа мутахассислари сафидан танланади. Тақризчилар сифатида бошқа

олий таълим муассасасининг профессор ва ўқитувчилар ҳам жалб этилиши мумкин.

Факультет декани малакавий ишни тақриз билан ҳимоя учун Якуний давлат аттестация комиссиясига тақдим этади.

Битирув малакавий ишни ҳимоя қилиш тартиби Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасалари битирувчиларини якуний давлат аттестацияси тўғрисидаги Низом билан белгиланади.

Битирув малакавий ишлар ҳимояси замонавий ахборот технологиялари воситасида тақдимот (презентация) шаклида ташкил этилади ва ўтказилади. Олий таълим муассасасида ахборот технологиялари воситасида тақдимот шаклида битирув малакавий ишлар ҳимоясини ташкил этиш учун етарли даражада махсус жиҳозланган аудиториялар белгиланади.

Тарих фанлари соҳасида тайёрланадиган тақдимот (презентация)лар кўйидаги талабларга жавоб бериши лозим:

- Тақдимот слайдларига киритилган маълумотлар битирув малакавий ишининг асосий мазмунини кўргазмали ёритиб беришга хизмат қилиши;
- Слайдлар иллюстратив материаллар (тарихий харита, генеалогик жадваллар, схема, фотосуратлар, расмлар ва ҳ.) иборат бўлиши, яъни битирув малакавий иши матнини электрон кўриниши бўлиб қолмаслиги лозим.
- Тақдимотда слайдларнинг умумий сони 15-25 та атрофида бўлиши керак.

Битирув малакавий ишлар мавзуси, мазмун-моҳияти ва хусусиятларига мувофиқ уларнинг ҳимоясини ташкил этиш ва ўтказишнинг бошқа шакллари олий таълим муассасаси Илмий кенгаши томонидан ўрнатилиши мумкин.

Архив, ахборот-ресурс маркази ва кафедраларда сақланаётган ёки Интернет ресурсларидан фойдаланиб айнан кўчириб олинганлиги расмий ҳимоягача аниқланиб тасдиғини топган битирув малакавий ишлари кафедра мудирини тақдимномасига асосан ректор буйруғи билан бекор қилинади ва битирувчига қониқарсиз баҳо қўйилиб, иш раҳбари кейинги уч йил давомида битирув малакавий ишларга раҳбар этиб тайинланмайди.

Битирув малакавий иши расмий ҳимоядан сўнг (камида 10 йил) олий таълим муассасасида сақланади. Ҳар хил сабаблар бўйича битирув малакавий ишни бошқа ташкилот ёки ходимларга топшириш зарурияти мавжуд бўлган ҳолда (тадбиқ этиш, танловлар ва ҳақозо),

ишдан нусха олинади ва уларни мазкур нусха берилади, ишнинг асл нусхаси олий таълим муассасасида қолдирилади.

Фойдаланилган манба ва адабиётлар

1. “Олий таълим муассасаларида бакалаврларнинг битирув малакавий ишини бажаришга қўйиладиган талабларни тасдиқлаш тўғрисида” // Олий ва ўрта-махсус таълим вазирлигининг 9-июн 2010 йил, 225-сонли буйруғи.
2. “Олий таълим муассасаларида бакалаврларнинг битирув малакавий ишини бажаришга қўйиладиган талабларни тасдиқлаш тўғрисида” ги Олий ва ўрта-махсус таълим вазирлигининг 2010 йил, 9-июндаги 225-сонли буйруғига илова.
3. Олий таълимнинг Давлат таълим стандарти. Асосий қоидалар. – Тошкент, 2014. – 138 б.
4. Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасалари битирувчиларининг якуний давлат аттестацияси тўғрисидаги Низом// Адлия вазирлигидан 5-июн 2009 йил 1963-сон билан рўйхатга олинган.
5. Саидбобоев З. Тарих фанлари соҳасидаги илмий-тадқиқот ишлари методикаси. – Тошкент: Университет, 2004. – 48 б.
6. Диссертация ва авторефератларни расмийлаштириш қоидалари: /ЎзР ОАК Раёсати қарори билан тасдиқланган/. – Профессор К.С. Султанов таҳрири остида. - Тошкент, ЎзР ОАК, 2007. – 25 б.
7. Хасанов Б.А., Илхамов Ш.И., Мирходжаев М.М. Битирув малакавий ишини ёзиш ва ҳимоя қилиш бўйича услубий қўлланма. - Тошкент: ТДИУ, 2011. - 28 б.
8. Эминов А., Қаршибоев Ҳ.Қ. Бакалаврият таълим йўналиши битирувчилари учун битирув малакавий ишларни тайёрлаш ва ҳимоя қилишга оид услубий кўрсатма. – Гулистон, 2011. - 20 б.

Иловалар

1-илова

Намуна

ГулДУ “Тарих” кафедрасининг
мудири, доц. О.Р. Назаровга
18-11 гуруҳ талабаси Саматов
Достонбек Исоқжон ўғлидан

А Р И З А

Менга, битирув малакавий ишини ёзишим учун “Туркистонда Россия мустамлакачилик даври тарихшунослиги: тарих ва таҳлил” номли мавзунини бириктиришинингизни сўрайман.

Битирув малакавий иши тарихий манбалар таҳлили ва илмий адабиётларни ўрганиш асосида бажарилади.

Талабанинг имзоси

сана

ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

Ижтимоий-иқтисодий факультет Тарих кафедраси

Йўналиш: _____

«Тасдиқлайман»

Факультет декани _____

« ____ » _____ 20__ йил.

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШ БЎЙИЧА ТОПШИРИҚ

Талаба _____

(Ф.И.Ш.)

1. Ишнинг мавзуси _____

« ____ » _____ 200__ й. ректорнинг _____ сонли буйруғи билан тасдиқланган

2. Ишни топшириш муддати _____

3. Мавзу бўйича дастлабки маълумотлар берувчи адабиётлар рўйхати:

4. Ишнинг мақсади ва ҳал қилинадиган масалалар:

5. Чизма қисми материаллари рўйхати: _____

6. Маслаҳатчилар:

Бўлимлар	Маслаҳатчи Ф.И.Ш.	Имзо, сана	
		Топшириқ берди	Топшириқ қабул қилинди

7. Битирув ишини бажариш режаси:

№	Босқичлар номи	Бажариш муддати	Бажарил- ганлик белгиси

Битирув иши раҳбари _____

Кафедра мудири _____

Топшириқни бажаришга олдим _____

« _____ » _____ 20 ____ йил.

Битирув малакавий иш титул варағи

Намуна

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА-МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ФАКУЛТЕТ
ТАРИХ КАФЕДРАСИ
Қўлёзма ҳуқуқида

“5120300-Тарих(мамлакатлар ва минтақалар бўйича)” таълим йўналиши

САМАТОВ ДОСТОНБЕК ИСОҚЖОН ЎҒЛИНИНГ

“ТУРКИСТОНДА РОССИЯ МУСТАМЛАКАЧИЛИК ДАВРИ
ТАРИХШУНОСЛИГИ: ТАРИХ ВА ТАҲЛИЛ”

мавзусида бажарган

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Раҳбар: т.ф.н. Сангирова Д.Х.

ГУЛИСТОН – 2015

Битирув малакавий иш Гулистон давлат университетининг 2015-йил 15-апрелдаги 137-С-сонли буйруғи билан тасдиқланган Давлат аттестация комиссиясининг _____ - сонли йиғилишида муҳокама қилинди ва “_____” балл билан (_____) баҳоланди.

(аъло, яхши, қониқарли)

Битирув малакавий иш “Ижтимоий-иқтисодий” факултетининг 2015- йил “_____” даги _____ - сонли Илмий-услубий кенгашининг қарори билан Давлат аттестация комиссиясига ҳимоя қилиш учун тавсия этилди.

Факултет декани: и.ф.д. А.Маматов

Битирув малакавий иш “Тарих” кафедрасининг 2015-йил “_____” _____ даги _____ - сонли йиғилишида муҳокама қилинди ва ҳимояга тавсия этилди.

Кафедра мудир: доц. О.Назаров

БМИ бажарувчи “5120300-Тарих” таълим йўналиши 18-11 гуруҳ талабаси _____ Д.Саматов

Раҳбар: “Тарих” кафедраси катта ўқитувчиси, т.ф.н. _____ Д.Сангирова

Битирув малакавий иш режаси

Намуна

Р Е Ж А

КИРИШ

I БОБ. ТУРКИСТОН ЎЛКАСИДА РОССИЯ МУСТАМЛАКА ТУЗУМИНИНГ ЮЗАГА КЕЛИШ ТАРИХШУНОСЛИГИ

1.1. Россия империясининг Туркистонни босиб олиши тарихшунослиги

1.2. Мустамлака тизими бошқарув сиёсати тарихшунослиги

II БОБ. ТУРКИСТОН ЎЛКАСИДА АМАЛГА ОШИРИЛГАН МУСТАМЛАКАЧИЛИК СИЁСАТИ ТАРИХШУНОСЛИГИ

2.1. Туркистон ўлкасида амалга оширилган мустамлака тадбирлари тарихшунослиги

2.2. Туркистон ўлкасида ҳарбий-маъмурий ва табақавий амалдорлар ҳокимиятининг юзага келиши тарихшунослиги

III БОБ. МУСТАМЛАКАЧИЛИК ЗУЛМИГА ҚАРШИ КЎТАРИЛГАН МИЛЛИЙ-ОЗОДЛИК ҲАРАКАТЛАРИ ТАРИХШУНОСЛИГИ

3.1. 1916 йилги миллий-озодлик ҳаракатлари тарихшунослиги

3.2. Миллий-озодлик ҳаракатларининг замонавий тарихшунослиги

ХУЛОСА

Битирув малакавий иш мундарижаси

Намуна

МУНДАРИЖА

КИРИШ	3-7
I БОБ. ТУРКИСТОН ЎЛКАСИДА РОССИЯ МУСТАМЛАКА ТУЗУМИНИНГ ЮЗАГА КЕЛИШ ТАРИХШУНОСЛИГИ	8-26
1.1. Россия империясининг Туркистонни босиб олиши тарихшунослиги.....	8-16
1.2. Мустамлака тизими бошқарув сиёсати тарихшунослиги.....	16-26
II БОБ. ТУРКИСТОН ЎЛКАСИДА АМАЛГА ОШИРИЛГАН МУСТАМЛАКАЧИЛИК СИЁСАТИ ТАРИХШУНОСЛИГИ	27-43
2.1. Туркистон ўлкасида амалга оширилган мустамлака тадбирлари тарихшунослиги.....	27-35
2.2. Туркистон ўлкасида ҳарбий-маъмурий ва табақавий амалдорлар ҳокимиятининг юзага келиши тарихшунослиги.....	35-43
III БОБ. МУСТАМЛАКАЧИЛИК ЗУЛМИГА ҚАРШИ КЎТАРИЛГАН МИЛЛИЙ-ОЗОДЛИК ҲАРАКАТЛАРИ ТАРИХШУНОСЛИГИ	44-59
3.1. 1916 йилги миллий-озодлик ҳаракатлари тарихшунослиги.....	44-51
3.2. Миллий-озодлик ҳаракатларининг замонавий тарихшунослиги.....	52-59
XULOSA	60-63
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	64-68
ИЛОВАЛАР	

Битирув малакавий ишига бериладиган раҳбар хулосаси

Намуна

5220200 –“Тарих” таълим йўналиши бўйича бакалавр даражасини олиш учун

Абирова Гулнора Баходировнанинг «Аббос I даврида Эрон» мавзусидаги

ёзган битирув малакавий ишига

ХУЛОСА

Абирова Гулнора Баходировнанинг «Аббос I даврида Эрон» мавзусидаги ёзган битирув малакавий иши ўзининг долзарблиги билан ажралиб туради. Мазкур битирув малакавий ишида Аббос I томонидан амалга оширилган ислохатларнинг тарихий аҳамияти тарихий тадқиқот усуллари орқали таҳлил этилган.

БМИ кириш, 2 боб, 5 қисмдан иборат бўлиб, мавзу режа асосида ёритилиб берилган. Мазкур БМИ дан умумтаълим мактабларининг тарих фани ўқитувчилари 8-синф ўқувчиларига «Жаҳон тарихи» фанидан дарс ўтишда, тарихий кечаларни ўтказишда фойдаланишлари мумкин. Ишнинг ютуқларидан бири сифатида унинг Интернет маълумотлари ва турли электрон шаклдаги манбалардан кенг фойдаланганлигини кўрсатиб ўтиш мумкин. Мавзуни ўқитишга доир тавсиялар ҳам ишнинг амалий аҳмиятини оширади. БМИда мавжуд илмий материаллардан фойдаланган ҳолда ва мактаб дарслиги маълумотлари асосида мавзуни янги педагогик технологиялар асосида ўқитиш усулларни кўрсатиб беришга ҳаракат қилган.

Чиқарилган хулоса ва тавсиялар илмий жиҳатдан етарли далилларга асосланган, талаба ўз олдига қўйган мақсад ва вазифаларни тўлиқ бажарган. Битирув малакавий ишни бажаришда талаба илмий тадқиқот усулларидан унумли фойдаланган, унинг билим ва малакаси қўйилган муаммоларни мустақил ҳал этишга етарли эканлигига ишонч билдираман. Битирув-малакавий ишда йўл қўйилган айрим орфографик, стилистик хатоларни ҳисобга олмаган ҳолда БМИни ҳимояга тавсия этиш мумкин, деб ҳисоблайман.

Раҳбар:

доц. Сангирова Д.Х.

Битирув малакавий ишига бериладиган тақриз

Намуна

5220200 –“Тарих” таълим йўналиши бўйича бакалавр даражасини олиш учун Абирова Гулнора Баходировнанинг «Аббос I даврида Эрон» мавзусидаги ёзган битирув малакавий ишига

Т А Қ Р И З

Бугунги кунда мустақил Ўзбекистон Республикасининг дунёнинг қатор давлатлари билан турли соҳаларда ҳар томонлама ҳамкорлик ўрнатилган ва бу соҳадаги алоқалар тобора ривожланиб бормокда. Жаҳон давлатлари, шу жумладан Эрон давлатининг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий тарихини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади. Мазкур битирув малакавий ишида 1587-1629 йилларда Эронда ҳукмронлик қилган сафавийларнинг машҳур давлат арбоби шоҳ Аббоснинг мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ривожланиши учун асос бўлиб хизмат қилган бир қатор ислохотларининг моҳияти, бунда асосий роль ўйнаган омилларнинг Сафавийлар давлатининг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ҳаётига таъсири манбаларни таҳлил қилиш орқали очиқ беришга ҳаракат қилинган.

БМИда мавжуд илмий материаллардан фойдаланган ҳолда ва мактаб дарслиги маълумотлари асосида мавзуни умумтаълим мактабларининг 8-синф ўқувчиларига «Жаҳон тарихи» фанидан янги педагогик технологиялар асосида ўқитиш усулларни курсатиб беришга ҳаракат қилган. БМИнинг тузилиши, мақсад ва вазифалари тўғри белгилаб олинган. БМИнинг ёзилиши, расмийлаштирилиши тартиби БМИга қўйиладиган талабларга жавоб беради. БМИдаги айрим жузъий камчиликларни ҳисобга олмаган ҳолда, ҳимояга тавсия этиш мумкин.

Гулистон ш., 9-умумтаълим

мактаби тарих фани ўқитувчиси:

Д. Каримова

Фойдаланилган адабиётларнинг ёзилиш намуналари

I. Кўчирма ва ҳаволаларни расмийлаштиришда

1. Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. 13 том. – Тошкент: Ўзбекистон, 2005. – Б.120.
2. Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008. – Б.88.
3. ЎЗР МДА. И - 7-фонд, 1-рўйхат, 2608-иш, 143 в.
4. ЎЗР МДА. И - 269-фонд, 1-рўйхат, 3-иш, 46 ор.в. - 47 в.
5. Начало работ по орошению Голодной степи // Туркестанские ведомости. – 1901. – № 92.
6. Ўзбекистон тажрибаси жаҳон ҳамжамияти нигоҳида// Халқ сўзи. – 2015. - №49
7. Мирошниченко А. Об орошении в Голодной степи // Туркестанское сельское хозяйство. – Ташкент, 1915. – № 8. – С.804.
8. Маҳмудов Қ. Туркий байроқлар рамзи. // Фан ва турмуш. – Тошкент, 1989. - №12. - Б. 20.
9. Абдунабиев А. Мирзачўлни ўзлаштириш тарихидан. – Тошкент: Фан, 1959. – Б.8.
10. Абдунабиев А. Мирзачўлни ўзлаштириш тарихидан. – Тошкент: Фан, 1959. – Б. 12-13.
10. Алибеков У. XIX аср охири XX аср бошларида Сирдарё вилояти демографияси// Ўзбекистонда урбанизация жараёнлари: тарих ва ҳозирги замон. Халқаро илмий-амалий анжуман материаллари. – Тошкент, 2007. – Б.19.
11. Аминов Б. Формирование населения Голодной степи (конец XIX – 60-е годы XX в.): Дис. ... канд. ист. наук. – Ташкент, 1970. – С. 1280.
12. Аширбоева З. К. XIX аср охири - XX аср ўрталарида Мирзачўлнинг ўзлаштирилиши: Тарих фан. номзод. дис. ... автореферати: – Тошкент, 2008. – Б.6.
13. Цветные фотографии Прокудина-Горского по истории Голодной степи конца XIX – начала XX в.в. // www.veink.by.

II. Фойдаланилган адабиётлар рўйхатини расмийлаштиришда

I. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов асарлари

1. Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. 13 том. – Тошкент: Ўзбекистон, 2005. – 246 б.
2. Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008. – 176 б.

II. Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви ҳужжатлари

1. И-7-фонд. Туркистон ўлкаси Давлат мулклари ва деҳқончилик бошқармаси. 1897-1917 й.
2. И-269-фонд. Сирдарё вилояти статистика кўмитаси. 1887-1917 й.

III. Даврий матбуот

1. Начало работ по орошению Голодной степи // Туркестанские ведомости. – 1901. – № 92.
2. Ўзбекистон тажрибаси жаҳон ҳамжамияти нигоҳида// Халқ сўзи. – 2015. - №49

III. 2. Журналлар

1. Мирошниченко А. Об орошении в Голодной степи // Туркестанское сельское хозяйство. – Ташкент, 1915. – № 8. – С.803-805.
2. Маҳмудов Қ. Туркий байроқлар рамзи. // Фан ва турмуш. – Тошкент, 1989. - №12. - Б. 20-21.

IV. Илмий адабиётлар

1. Абдунабиев А. Мирзачўлни ўзлаштириш тарихидан. – Тошкент: Фан, 1959. – 38 б.
2. Алибеков У. XIX аср охири XX аср бошларида Сирдарё вилояти демографияси// Ўзбекистонда урбанизация жараёнлари: тарих ва ҳозирги замон. Халқаро илмий-амалий анжуман материаллари. – Тошкент, 2007. – Б.17-20.
3. Халқаро ҳуқуқ / Х.Т.Одилқориев, Б.Э. Очилов ва б.; Х.Т. Одилқориев таҳрири остида. – Тошкент: “Зарқалам”, ТДЮИ, 2003. – 552 б.
4. Юровская К. Новая история. Учеб. пособие для ВУЗов. - М.: Наука, 1992. – 468 с.

V. Диссертация ва авторефератлар

1. Аминов Б. Формирование населения Голодной степи (конец XIX – 60-е годы XX в.): Дис. ... канд. ист. наук. – Ташкент, 1970. – 280 с.
2. Аширбоева З. К. XIX аср охири - XX аср ўрталарида Мирзачўлнинг ўзлаштирилиши: Тарих фан. номзод. дис. ... автореферати: – Тошкент, 2008. – 26 б.

VI. Интернет маълумотлари


1. Кривошин А.В. Азиатская Россия. Том.2 // www.prometeus.nsc.ru.
2. Цветные фотографии Прокудина-Горского по истории Голодной степи конца XIX – начала XX в.в. // www.veink.by.

Иловани расмийлаштириш

Намуна

ХІХ аср охири ХХ аср бошларида Мирзачўлда ташкил топган рус қишлоқларининг жойлашиш ўрни

(В.Ф. Караваяев бўйича)



Иловани расмийлаштириш

Намуна

2-илова

1898 –1899 йилларда Мирзачўлда мавжуд бўлган рус қишлоқлари
аҳолиси сони ҳақида маълумот

(А. Позняков маълумотлари асосида)¹

№	Қишлоқлар номи	Хўжалик сони	Сони				Жами
			эркаклар		Аёллар		
			18 ёшгача	18 ёшдан юқори	16 ёшгача	16 ёшдан юқори	
1	Запорожский	41	49	54	53	54	210
2	Николаевский	99	61	109	58	85	313
3	Конногвардейский	11	15	12	14	12	53
4	Романовский	24	18	33	27	28	106
5	Надеждинский	79	73	95	61	86	315
6	Обетованный	21	18	31	20	22	91
7	Волинский 2	18	21	23	18	20	82
8	Волинский 1	42	59	45	32	44	180
	Жами	335	314	402	283	351	1350

¹Справочная книжка Самаркандской области. 1902 г. – Самаркандь: Товарищество, 1902. – вып. VII. – С.13

